

ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА САВДО-СОТИҚ ҲАМДА СОЛИҚ ТИЗИМИ.

Қаҳҳоров Раҳимжон Самижонович

*Наманган давлат техника университети 1-сон академик лицейи тари фани
ўқитувчиси*

Аннотация: Мақолада Қўқон хонлиги мавжуд солиқ ва мажбуриятлар, жумладан закот солиғининг мазмун-моҳияти, унинг турлари, солиқнинг турлари, унинг қандай тартибда амалга оширилиш тарихи тадқиқ қилинган. Ўрта Осиё хонликлари, шаҳар ва вилоятларда закот солиғини йиғиш, солиқ бўйича мол-мулк турига қараб белгиланган миқдорлар, белгиланган имтиёзлар, буларнинг аҳолининг турмуш даражасига таъсирига тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: закот, закот турлари, йиғим солиқ, тутун ҳақи, кўра боши, карвонсарой, закотчи

Abstract: The article examines the existing taxes and obligations of the Kokan Khanate, including the essence of the zakat tax, its types, the types of tax, the history of how it is implemented. Collection of zakat tax in Central Asian khanates, cities and regions, tax amounts determined depending on the type of property, specified benefist, and their impact on the living standards of the population were discussed.

Key words: zakat, types of zakat, levy tax, smoke fee, head of the yard, caravanserai, zakatchi

Қўқон хонлиги энг асосий солиқлардан бири закот солиғи ҳисобланиб, кўчманчи халқ 40 бош ҳайвондан бир дона солиқ тўларди. Савдо карвонларидан вилоят ҳокимлари ва унинг вакиллари солиқни оларди. Чет элдан келган савдо карвонлари бир марта умумий нархидан 2,5 фоиз солиқ тўларди. Шу ва кўчманчилардан олинadиган солиқнинг номи закот эди.

Бу борада Туркистон генерал-губернатори К.П.Фон Кауфман имзолаган “Туркистон генерал-губернаторлигидан савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқини олиш муваққат Низомининг лойиҳасига тушунтириш записи” диққатга сазовордир. Унга кўра мусулмон шариатига мувофиқ закот ҳар бир мусулмоннинг мажбурий солиғи бўлиб, ўзининг қонуний мулкининг 40 дан бир қисмини ўз ихтиёри билан худо йўлига яхши ният билан тўлашидир. Шундай қилиб, ҳар бир мусулмон ўз ихтиёри билан художўй ишлар учун берадиган закот, аввал у мажбурий солиққа айланди, кейинчалик еса мусулмон хазинаси ҳукмдорнинг фойда келтирадиган даромадига айланиб қолган эди.

Ўрта Осиё хонликларида авваллари ҳар бир савдогар ўз карвонларини шаҳардан ташқарига чиқаришда аввал нечта туя, қанча товар ва қаерга юборилаётганлигини закотчига хабар қиларди. Закотчи еса дарҳол ўзининг вакилини айтган савдогарнинг товарларини кўриш учун кўрсатилган карвонсаройга юборар эди.

У келиб товарларни юзаки қараб, тугунларни ечмасдан, умумий баҳони белгилаб, ундан 2,5 фоиз ҳисобидан закот миқдорини белгилар еди. Бундан ташқари закотчи патта ёзиб бериш учун ўзининг фойдасига ҳар бир пуд ҳисобидан бир тангадан олар еди. Савдогар бу паттани олгандан кейин бир йил давомида Қўқон хонлигида кўрсатилган маблағ миқдоридан бошқа закот тўламасдан савдо қилиши мумкин еди.

Умумий маблағ миқдоридан бир йилда бир марта закот олинган. Яхудий ва христианларга тегишли товарлардан еса 5 фоиз миқдорида закот олинган.

Чет-еллардан келадиган карвонлар икки марта закот тўлашган: аввал ўзининг ватанида, сўнгра товарни олиб бораётган мамлакатда. Агар карвон савдо қилмасдан бирор хонликдан фақат ўтиб борадиган бўлса ҳам олдиндан закот тўлаши шарт бўлган.

Қўқон хонлигида кўчманчилардан олинадиган закотни учта асосий шакли вужудга келган бўлиб, улар: “тутун ҳақи”, “қўра боши”, “йиғим солиқ”. Қўқон хонлигида ҳайвон подачи егасидан уларни сотгани олиб кетаётганида закот олинган. Уларнинг нархидан 40 дан бир қисмини закот учун тўлаши лозим еди. Олтин ва кумушдан ҳам 40 тилладан 1 тилло олинган.

Шаҳарга бириктирилган қирғиз ва қозоқларнинг подачисидан закот олинган. Бунинг учун уларнинг овулларига закотчи юборилган, подаларидаги ҳайвонлар саналиб, ҳар 40 бошдан биттаси закот учун олинган. Агар подасидаги ҳайвон 40 тага етмаса ҳамда олтин ва кумушлари 20 тиллодан ошмаса закот олинмас еди.

Қўқон ҳоқимияти закотни ҳисобга олмас еди ва барча йиғилган маблағ закотчида тўпланган. У еса ўз ихтиёри ва инсофига қараб хон ва бекка маълум қисмини юбориб турган. Закотчи зиммасида асосан ҳарбий қўшинни қурол, мис ват темир билан таъминлаб туриш мажбурияти бор еди. Масалан, Тошкентдан ҳар йили 60 000 – 80 000 тилло закот йиғилган.

В.П.Наливкиннинг фикрича, закот “худо йўлига” ўз мулкидан ёки даромадидан маълум бир қисмини қурбонлик қилишдир. Қуйидагилардан солиқ тўланган:

1. Ҳайвонлардан;
2. Даромад келтирган капиталдан;
3. Дала маҳсулотларидан;
4. Дарахт меваларидан;
5. Товарлардан;

Даромад келтирилган капитал ва товарлар ботин (яширин) дейилади ва қолганларига ўхшаб зохир (аниқ) емас, закотчи ва амалдорлар томонидан текшириб кўрилмайди. Вояга етмаган, ақли заифлар ва қуллар закот тўламаган.

Закот қуйидаги миқдорда олинган. 1. Қимматбаҳо буюмлардан ва чорва ҳайвонлардан қирқдан бир миқдорда. 2. Дала маҳсулотлари, дарахтлар,

ҳавлининг ўндан бир қисми ҳисобида. 3. Топилган хазинанинг бешдан бир қисми.

Қўқон хонлигида закот қуйидагиларга ишлатилган:

1. Камбағал ва муҳтожларга;
2. Закот йиғувчиларга;
3. Исломни қабул қилган муҳтож ажнабийларга
4. Камбағал қарздорларга;
5. Хўжайин билан озодликка чиқиш учун аввалдан шартлашиб олган, аммо товон тўлай олмаган қулларга;
6. Кофирлар билан курашаётган жангчиларга;
7. Муҳтож сайёҳлар ва ажнабийларга.

Закот, ушр ва хирож сифатида йиғилган жами маблағ мусулмон диний жамоага ёки давлат хазинасига тушган. Закот фақат мусулмонлар дунёсида мавжуддир. “Ҳидоя” китобида у бундай таърифланган. Закот – бу худо томонидан белгиланадиган ва озод, соғлом тана ва руҳда ҳар бир вояга етган мусулмоннинг белгиланган миқдорда ўзининг тасарруфида бир йилдан кам бўлмаган хусусий мулкдан тўлайдиган солиғидир.

Закотдан қуйидагилар фойдаланиш ҳуқуқига ега бўлишган:

1. Камбағал ва мулксизлар;
2. Закот йиғиш буйруғини олган шахслар;
3. Насронийлар, агарда улар кофирларга қарши урушда кўмаклашса;
4. Қарзлардан қутила олмайдиганлар;
5. Маблағсиз ва овқатланишга имкониятлари қолмаган ажнабийлар;

Закот яна асирга тушганларни озод қилишда, художўй ишларга, масжидлар, мадрасалар учун ҳам ишлатилиши мумкин. Закот барча ботин ва зоҳид мўминлардан, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотларидан ҳам тўланган. Бундай ҳолда у ушр ёки ашр, яъни ўндан бир қисм дейилган. Ернинг ўзидан еса закот олинмайди. Ушр закот туридан бўлиб, мазмунан муқаддас ҳисобланган.

Шундай қилиб, Қўқон хонлиги аҳолиси аҳолиси катта миқдорда барча солиқлар қатори закот солиқларини ҳам тўлашар ва турли хил меҳнат мажбуриятларини бажаришар еди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кун А.Л. Очерки Коканского ханства, 1877.
2. Аминов А.М. Основныу линии экономической политики царской России в Средний Азии //Научная суссия АН Уз.1947
3. Бобеков Х.Н. Қўқон тарихи, 1996.
4. Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожини XIX аср XX асрнинг бошларида Тарих фанлари д-ри ... дисс. – Т.1998.

5. Топилдиев Н.Р. XIX асрда Қўқон хонлиги ва Россия империяси муносабатлари. – Т. Grand Kondor Print. 2024.